

**ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУХТОЖ ФУҚАРОЛАРНИНГ АРЗОН
УЙ-ЖОЙЛАР БЕРИШ ҲАМДА ЎРТАЧА ОЙЛИК ДАРОМАДИ
ЮҚОРИ БЎЛМАГАН ФУҚАРОЛАРНИНГ КРЕДИТ ВА СУБСИДИЯ
БЎЙИЧА МУРОЖААТЛАРИНИ ЯГОНА ИНТЕРАКТИВ ДАВЛАТ
ХИЗМАТЛАРИ ПОРТАЛИ ОРҚАЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ
ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ**

Мансуров Ойбек Олим ўғли

Тошкент давлат юридик университети магисранти

E-mail: oybekjono586@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола, асосан, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ фуқароларнинг арzon уй-жойлар бериш ҳамда ўртача ойлик даромади юқори бўлмаган фуқароларнинг кредит ва субсидия бўйича мурожаатларини қабул қилиш борасидаги муаммолар таҳлили ва ушбу бўйича мурожаатларини ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилиш тизимини жорий этиши таклифи ва бу борадаги масалалар ечимининг мазмунига бағишлиданади.

Калит сўзлар: фуқаро мурожаатлари, субсидия, ягона интерактив давлат хизматлари портали.

АННОТАЦИЯ

Данная статья в основном представляет собой анализ проблем обеспечения граждан недорогой жилплощадью, нуждающихся в социальной защите и приема заявлений на получение кредитов и субсидий от граждан с низким среднемесячным доходом, а также предложение по внедрению системы приема их заявлений через единый интерактивный портал государственных услуг, и в связи с этим посвящен содержанию решения проблем.

Ключевые слова: обращения граждан, субсидия, единый портал интерактивных государственных услуг.

ABSTRACT

This article is mainly an analysis of the problems of providing low-cost housing for citizens in need of social protection and accepting applications for loans and subsidies from citizens with low average monthly income, as well as a proposal to introduce a system for accepting their applications through a single interactive public service portal, and in this regard is devoted to the content of problem solving

Key words: citizen appeals, subsidy, single interactive portal of public services.

Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳолининг уй-шароитларини яхшилашни тизимли тартибга солиш масаласи энг оғир ва лозим даражада тартибга солинмаган муносабатлардан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу муносабатларни тартибга солишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари амал қилиб келмоқда.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 январдаги 14-сон қарори билан тасдиқланган “Кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилишни молиялаштириш, шунингдек ёш оиласарга, эскирган уй-жойларда яшаётганларга ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтоҷ бўлган фуқароларнинг бошқа тоифаларига сотиш тартиби тўғрисида”ги низом;

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 февралдаги 103-сон қарори билан тасдиқланган “Ариза берувчи — уй қурувчининг 2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арzon уй-жойлар қуриш дастурида иштирок этиши тартиби тўғрисида”ни зом;

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 апрелдаги 285-сон қарори билан тасдиқланган “Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтоҷ оналарга арzon уй-жойлар бериш тартиби тўғрисида”ни зом;

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 мартағи 182-сон қарори билан тасдиқланган “Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисида”ни Низом шулар жумласидандир.

Мазкур қонун ҳужжатларида муносабатларни очиқлик, шаффофлик ва холислик принциплари асосида ташкил этилганлиги таҳлил қилинганда, “Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисида”ни Низомдан ташқари бошқа қонун ҳужжатларида иш ҳолатлари, жумладан аризаларни кўриб чиқиши масалалари эскича усуlda амалга оширилаётганлиги, замонавий ахборот коммуникация технологиялари асосида тизимли ташкил этилмаганлиги, уларда инсон аралашувининг юқори эканлиги аниқланди. Бу эса, фуқароларнинг турли тўсқинлик, сансалорлик ва оворагарчиликларига олиб келиб, уларнинг ҳақли эътиrozларига сабаб бўлмоқда.

Мисол учун, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 апрелдаги 285-сон қарори билан тасдиқланган “Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтоҷ оналарга арzon уй-жойлар бериш тартиби тўғрисида”ни низомда ариза туман (шахар) комиссияси раисининг қарори билан тайинланадиган ваколатли шахс томонидан

рўйхат бўйича қабул қилинади, қабул қилинган аризанинг нусхасига — қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда тилхат билан ариза берувчига топширилиши, аризалар ҳисоби алоҳида рўйхатдан ўтказиш журналида юритилиши, журнал рақамланган, ип ўтказиб тикилган ва Комиссиянинг ваколатли шахси томонидан муҳрланган бўлиши кераклиги ҳақидаги нормалар қайд этилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 февралдаги 103-сон қарори билан тасдиқланган “Ариза берувчи — уй қурувчининг 2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арzon уйжойлар қуриш дастурида иштирок этиши тартиби тўғрисида”ги низомда хужжатлар Комиссиянинг ваколатли шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилиниши, унинг нусхаси хужжатлар қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда тилхат билан ариза берувчига топширилиши, ваколатли шахс туман ҳокими қарори билан тайинланиши, аризалар ҳисоби алоҳида рўйхатдан ўтказиш журналида юритилиши, журнал рақамланган, ип ўтказиб тикилган ва Комиссиянинг ваколатли шахси томонидан муҳрланган бўлиши кераклиги, аризани журналда дастлаб рўйхатдан ўтказмасдан кўриб чиқиши тақиқланиши белгиланган.

Мазкур омиллар амалиётда ҳокимиятларнинг масъул бўлган ходимлари томонидан масасалага нафақат субъектив жиҳатдан ёндошиб қолмасдан, балки номаълум сабабларга кўра айрим фуқароларнинг мурожаатларинигина танлаб қабул қилиш ва маълум манфаатлар эвазига уни охиригача жараёнлардан ўтказиб бериш, қолганларини эса тўғридан-тўғри давлат хизматлари марказларига Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 мартағи 182-сон қарори билан тасдиқланган “Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом бўйича нотўғри йўналтириш ҳолатларига йўл қўйилмоқда.

Бунинг оқибатида ижтимоий аҳволи оғир ва тўловга қобилияти бўлмаган фуқаролар мурожаатларининг рад этилишига сабаб бўлиб уларнинг давлат органларига нисбатан норозилик ва ишончсизлик кайфиятининг ортишига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, “Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом электрон тизим орқали таҳлил қилинганда биргина Бухоро вилояти бўйича келиб тушган **922** та мурожаатларнинг **643** таси туман (шаҳар) комиссиялари томонидан рад этилган. Мурожаатларнинг деярли ярми аёллар томонидан, шундан **363** нафари оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган аёллар томонидан берилган. Мурожаатларнинг рад этилишига аксарият ҳолларда фуқароларнинг тўловга қобилиятсизлиги сабаб бўлган.

Давлат бюджетидан ижтимоий аҳволи оғир бўлган фуқароларнинг барчасини бирданига текин уй-жойлар билан таъминлаш имконсиз бўлиши мумкин, лекин уларни олишдаги жараёнларга замонавий ахборот коммуникация тизимида очиқлик ва шаффоффликни таъминлаб берадиган электрон платформа орқали мурожаат қилиш тартиби йўлга қўйилса ҳамда ажратиладиган квоталар бўйича навбатлар белгиланса масалани самарали ташкил қилинишига олиб келади. Навбатга қўйишда мактабгача таълим тизимидағи тажрибадан фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари, юқорида қайд этилган қонун хужжатларида комиссиялар иш юритуви ҳам очиқлик, шаффоффлик ва холислик принципларига мос келмайди. Комиссия аъзоларининг комиссия йиғилишларида комиссия раисининг фикрига қараб (одатда ҳоким ёки бошқа раҳбарларнинг топшириғига кўра) хулосаларнинг шаклланиши тизимнинг битта шахс иродасига қаратилганлигини ва коррупция элементлари мавжудлигини кўрсатади.

Шунга кўра, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг уй-шароитларини яхшилаш уларга текинга ёки имтиёзли кредитлар бериш бўйича комиссиялар фаолиятининг ишлаш меҳанизмини “Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомдаги тартиб асосида йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Бунда, комиссия аъзоларининг хулосалари электрон тизим орқали мустақил шакллантирилиб, унга асосан комиссия қарори қабул қилинади ва бу ҳақда фуқарога маълум қилинади. Бу эса, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг, шу жумладан хотин-қизларнинг ҳокимият идораларига бевосита ташриф буюриш орқали мурожаат қилиши шарт бўлмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг текинга уй-жойлар бериш ҳамда ўртacha ойлик даромади юқори бўлмаган фуқароларнинг кредит ва субсидия бўйича мурожаатларини **ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилиш тизимини жорий этиш** ҳамда мазкур қонун хужжатлари талабларига риоя этилиши устидан Давлат хизматлари Агентлигининг худудий бошқармаларини назоратини белгилаш таклиф этилади.

Ушбу тизимни жорий этиш қўйидагиларга эришишни таъминлайди:

1. Очиқлик ва шаффоффлик тамоили асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг мурожаатларини **ЯИДХП** орқали қабул қилиш йўлга қўйилади. Бу эса, мурожаатларни тақдим этишдан тортиб, унинг натижасигача бўлган жараённи **ЯИДХП** орқали кузатиш ва назорат қилиш имконини беради.

Бунда айрим имкони бўлмаган фуқароларга давлат хизматлари марказларида ташкил этилган ўзига-ўзи хизмат қўрсатиш бурчакларида давлат хизматлари марказлари ходимлари томонидан яқиндан кўмак берилади.

2. Комиссиялар фаолиятининг ҳам очиқлиги ва шаффоғлигини таъминланиб, ҳар бир аъзо бўлган идораларнинг масъул ходимларини масъулияти янада ошади. Бунда, ЯИДХП тизим орқали тақдим этилган ариза комиссия аъзолари томонидан белгиланган мезонлар бўйича кўриб чиқилиб, баҳоланиб натижаси бўйича қабул қилинган қарор фуқароларга электрон ёки бошқа кўринишда маълум қилинади.

3. Маҳаллий ҳокимликларда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган айрим фуқароларнинг мурожаатларини танлаб олиш, қолганларини бошқа идораларга нотўғри юбориш амалиётига чек қўйилиб, турли овворагарчиликларнинг олди олинади;

4. Ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг арzon уй-жойлар бериш ҳамда ўртача ойлик даромади юқори бўлмаган фуқароларнинг кредит ва субсидия бўйича мурожаатлари бўйича қонун хужжатлари талабларига риоя этилиши устидан Давлат хизматлари Агентлигининг ҳудудий бошқармаларини назорати белгиланади;

5. Келиб тушган мурожаатлар, айниқса текин уй-жой билан таъминлаш хақидаги мурожаатлар бўйича қаноатлантирилган мурожаатлар асосида давлат томонидан ҳар йили ажратиладиган квоталар бўйича навбатлар шакллантирилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: (REFERENCES)

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 январдаги 14-сон қарори билан тасдиқланган “Кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилишни молиялаштириш, шунингдек ёш оиласаларга, эскирган уй-жойларда яшаётганларга ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларнинг бошқа тоифаларига сотиш тартиби тўғрисида”ги низом
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 февралдаги 103-сон қарори билан тасдиқланган “Ариза берувчи — уй қурувчининг 2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгилangan намунавий лойиҳалар бўйича арzon уй-жойлар қуриш дастурида иштирок этиши тартиби тўғрисида” низом

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 апрелдаги 285-сон қарори билан тасдиқланган “Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласда тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арzon уй-жойлар бериш тартиби тўғрисида”ги низом

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 мартағи 182-сон қарори билан тасдиқланган “Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом шулар жумласидандир